

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 619-ҳадис

1. Абу Рифоъа Тамим ибн Усайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хутба қилаётганларида етиб бордим. «Эй Аллоҳнинг Расули! Бир ғариб киши келиб, дини ҳақида савол беряпти, динини билмас экан», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга юзландилар ва хутбаларини ташлаб, олдимга келдилар. У зотга курси олиб келинган эди унга ўтириб, ўзларига Аллоҳ ўргатган нарсадан менга ўргата кетдилар. Кейин хутбага қайтиб, уни охиригача тугалладилар».

*Имом Муслим ривояти.*

Манба: hadis.islom.uz

